


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори

 А. Бурханов

2024 йил 04 январь

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг
2024 йил I ярим йиллигига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
1.	“Ўзбекистон — 2030” Стратегиясидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатнинг истикболдаги асосий йўналишини белгилаш.	1. Куйидагиларни назарда тутувчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030-йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиш: коррупция келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш; амалдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш; жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш. 2. Миллий стратегия лойиҳасини вазирлик ва идоралар билан келишиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил январь-март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони,	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мақсадли кўрсаткичлар ва устувор вазифалар аниқ белгиланади. БМТ Коррупцияга қарши конвенцияси талаблари ва Халқаро ташкилотлар тавсияларининг ижро этилишига хизмат қилади.	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими Барча таркибий тармоқлар
3.	Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши	Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлаш	2024 йил январь-март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг	Жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда коррупцияга қарши	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (қўтилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлаш	юзасидан алоҳида режа жадвал асосида ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.		29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида хабардор қилинади.	Йиғма бўлими
4.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижросини мониторинг қилиш	<p>1. Давлат дастури ижроси юзасидан масъул вазирлик ва идоралардан маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Тўлиқ ижроси таъминланмаган бандлар бўйича вазирлик ва идораларга сўров хатлари юбориш.</p> <p>3. Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни Миллий кенгаш йиғилишларида, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида муҳокама қилиш.</p> <p>4. Давлат дастури ижроси юзасидан маълумотларни Агентлик расмий-веб сайти ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш.</p>	2024 йил январ-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони,	Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши назорат қилиб борилади.	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
5.	Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини “Е-Anticor.uz” электрон платформаси орқали рейтинг баҳолашдан	<p>1. “Е-Anticor.uz” электрон платформаси орқали Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари жадвалига киритилган маълумотларни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Рейтинг баҳолаш натижаларини электрон платформада ҳисоблаб чиқиш ва кенг жамоатчилик учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.</p> <p>3. Давлат ташкилотлари томонидан «Е-Anticor.uz» электрон</p>	2024 йил февраль 2024 йил март 2024 йил апрель	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 й. ПҚ-81-сон Қарори	Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади, баҳоланади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	Ўтказилишини таъминлаш	платформасига киритилган 1-чораклик маълумотларни таҳлил қилиб тавсиялар киритиш.			этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади.	
6.	Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш	1. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун семинар-тренинг машғулотларини ташкил этиш. 2. Ўтказиладиган семинар-тренинглар юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директориغا тақдим этиш.	2024 йил апрель 2024 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони, 12.01.2022 й. ПҚ-81-сон ва 11.05.2022 й ПҚ-240-сон қарорлари	Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларининг соҳага оид билимлари ва кўникмалари оширилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
7.	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш	1. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун ўқув-тренинг ва семинарларни ташкил қилиб бориш. 2. «E-Anticor.uz» электрон платформасида баҳолашни амалга ошириш бўйича техник қўлланма ишлаб чиқиш.	2024 йил январь 2024 йил февраль	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 й. ПҚ-240-сон қарори	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларининг сифатли ташкил этилишига хизмат қилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
8.	Давлат органлари ва ташкилотларида фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш.	1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан «E-Anticor.uz» электрон платформада уларга юкланган ҳар бир функцияда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни назорат қилиш. 2. Давлат органлари ва	2024 йил февраль	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 й. ПҚ-240-сон қарори	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни минималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (қўтилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		ташкilotлари томонидан аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни кўриб чиқиш ва тавсиялар киритиш. 3. Давлат органлари ва ташкilotлари томонидан аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлаш.	2024 йил март			
9.	Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаларини амалга ошириш.	1. Мактабгача ва мактаб таълими, капитал қурилиш, соғлиқни сақлаш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган «йўл харита»лари ижросини доимий равишда таҳлил ва мониторинг қилиб бориш; 2. «Йўл харита»ларида белгиланган вазифалар ижроси ва амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотларни ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга тақдим этиб бориш.	Доимий равишда Ҳар чоракда	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон, 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармонлари	Мактабгача ва мактаб таълими, капитал қурилиш, соғлиқни сақлаш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган «йўл харита»ларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши назорат қилиб борилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси
10.	Коррупция ҳолатлари бўйича «дастлабки ўрганиш» – коррупцион суриштирув институти жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш	«Дастлабки ўрганиш» – коррупцион суриштирув институти жорий этиш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш; Норматив-хукукий асосларини ишлаб чиқиш юзасидан ташкилий чора тадбирларни амалга ошириш; Маҳаллий ва хоржий экспертлар билан муҳокама учрашувларини	2024 йил январ-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони,	Коррупция ҳолатлари бўйича «дастлабки ўрганиш» – коррупцион суриштирув институти жорий этиш истиқболлари таҳлил қилинади, самарали тизимни яратиш бўйича чоралар кўрилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		Ўтказиш; Мазкур институтни жорий этиш учун зарур куч ва воситалар, шунингдек молиявий масалаларини ҳал қилиш.				Тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
11.	Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджга зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш	1. Олий суддан 2022-2023 йилларда судлар томонидан кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджга зарар етказувчи жиноятларга оид суд ҳукмларини олиш ва комплекс таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот киритиш.	2024 йил февраль 2024 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Миллий манфаатларга ва халқаро имиджга зарар етказувчи жиноятлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
12.	Давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиш	Давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиш ҳамда жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.	2024 йил ҳар чоракда	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга оид жиноятларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
13.	Давлат харидларини амалга оширишда қонун бузилиши ҳолатларининг олдини	Давлат хариди жараёнидаги иштироки билан боғлиқ ҳолатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл	2024 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й.	Давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик талабларига риоя этилиши назорат	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	олиш механизмларини такомиллаштириш	қўйган, давлат хариди иштирокчиси бўлган юридик шахснинг мансабдор шахслари ёки таъсисчиларини Инсофсиз ижрочилар реестрига киритиш ҳамда ушбу шахслар бошқарувидаги ёки бенефициар таъсисчилигида бўлган бошқа юридик шахсларнинг ҳам давлат харидидаги иштирокини чеклаш билан боғлиқ тартибни жорий қилишни назарда тутувчи норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.		ПФ-200-сон Фармони	қилиниб, манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган таъсирчан чоралар кўрилади.	қилиш бошқармаси
14.	Давлат харидларини амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатларининг судларда кўриб чиқиш бўйича ягона амалиётни шакллантириш.	Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш орқали амалга оширилган давлат харидлари билан боғлиқ ишларни кўриш амалиётини умумлаштириб, бу тоифадаги ишларни кўришда ягона амалиётни шакллантириш бўйича судларга зарурий тавсияларни ишлаб чиқиш.	2024 йил май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш билан боғлиқ суд ишларини юритишнинг самарадорлиги оширилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
15.	Давлат харидлари соҳасида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш	Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: Агентлик ваколати доирасида аниқлаган давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш;	2024 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашда Агентлик ваколатлари кенгайтирилади, шунингдек қонунчилик талабларини бузиш орқали амалга оширилган давлат харидлари бекор қилиш	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		<p>Агентликка давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолда тузилган битимни, қабул қилинган қарорни ҳамда бошқа ҳужжатни ўзгартириш, бекор қилиш ёки уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида давлат божидан озод этилган ҳолда судга даъво киритиш ваколатини бериш;</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда давлатга етказилган зарарнинг ҳамда ҳақиқий эмас деб топилган ҳужжатнинг ижроси билан боғлиқ харажатларнинг ўрни айбдор мансабдор шахедан ундириб олиш;</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари аниқланганда Агентликнинг тақдимномасига асосан харид қилиш тартиб-таомилларни тўхтатиб туришни назарда тутиш.</p>			механизми яратилади.	
16.	<p>Хукукни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва омилларини таҳлил қилиш</p>	<p>Хукукни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг коррупцияга оид жиноятлар содир этилишига имконият яратиб бераётган функция ва вазифаларини таҳлил қилиб, уларни судларга ўтказиш ёки рақамлаштириш орқали коррупция хавф-хатарларни минималлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	2024 йил май	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони</p>	<p>Хукукни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноятларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар бартараф этилишига хизмат қилади.</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
17.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ишга қабул қилиш жараёнларида юзага келаётган коррупция хавф-хатарларни таҳлил қилиш	1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларга ишга қабул қилиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолатда содир этилган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш. 2. Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича мазкур жараёнларда юзага келаётган коррупциявий омилларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича таҳлилий маълумотни Миллий кенгашга киритиш.	2024 йил апрель	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони,	Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ишга қабул қилиш жараёнида коррупциявий омиллар бартараф этиш ҳамда соҳада очиклик ва шаффофлик таъминланишига хизмат қилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
18.	Давлат органларининг очикликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган “Open data” электрон таълим платформасини ишга тушириш	Электрон таълим платформаси дастурий таъминотини яратиш ҳамда очикликни таъминлаш соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ўқув модулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, платформа орқали давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларини ўқитишни ташкил этиш.	2024 йил февраль	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат органларининг очикликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган “Open data” электрон таълим платформаси фаолияти йўлга қўйилиб, масъул ходимларни очикликка оид малакаси доимий ошириб бориш имконияти яратилади.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
19.	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағларнинг сарфланиши устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар (жарима, давлат мулкни ижарага бериш ва сотиш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва бошқа), уларнинг сарфланган мақсад ва йўналишлари ҳақидаги маълумотларни очик маълумотлар портали ва расмий веб-сайтларда эълон қилинишини	2024 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағларнинг сарфланиши устидан жамоатчилик назорати таъминланишига хизмат қилиди. Очик эълон қилиниши лозим бўлган	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		назарда тутувчи норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.			маълумотлар рўйхати кенгайтирилади.	
20.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш	Қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш: 1. Давлат органлари ва ташкилотларида очикликни таъминлашга масъул бўлган ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш; 2. Оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилинишини баҳолашда “Қайта алоқанинг сирли миждози” тадбири натижаларини ҳисобга олиш.	2024 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон фармони билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича Методиканинг баҳолаш мезонлари қайта кўриб чиқилиб, янада такомиллаштирилади.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
21.	Давлат органлари ва ташкилотлари очиклигини таъминлаш фаолияти устидан назорат тизими самарадорлигини ошириш	Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-хукукий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофавий мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2024 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2022 й. ПФ-154-сон, 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-хукукий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофавий мониторинг қилиш бўйича ягона амалиёт ишлаб чиқилади.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
22.	“Очик Ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилотига аъзо	1. “Очик Ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилотига аъзо бўлиш юзасидан масъул давлат идоралари	2024 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг	“Очик Ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилотига аъзо бўлиш	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	бўлиш масаласи бўйича асослантирилган таклиф ишлаб чиқиш	вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. “Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилоти вакиллари билан аъзо бўлиш шартлари, мавжуд салоҳиятни таҳлил қилиш ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни муҳокама қилиш. 3. “Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилотига Ўзбекистон Республикасини аъзо бўлишга қаратилган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.		27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	шартлари, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиш имкониятлари таҳлил қилинади.	очиқлигини таъминлаш бошқармаси
23.	2023 йил якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотларида очиклик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган “Очиқлик индекси”ни эълон қилиш	2023 йил якунлари бўйича Очиқлик индексини шакллантиришга доир қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: 1. Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган давлат органлари томонидан ўзлари масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш; 2. Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини давлат органлари ва ташкилотлари кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш;	2024 йил апрел	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2022 й. ПФ-154-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлик даражаси баҳолашиб, қониқарсиз натижа қайд этган давлат идораларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси

№	Чора-гадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (қўтилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		<p>3. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик индексини эълон қилиш.</p> <p>4. “Сарик” тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш ва амалий ёрдам бериш чоралари кўриш;</p> <p>5. “Қизил” тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларида очикликни таъминлашга масъул бўлган ходимларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисида таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>				
24.	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастурининг мониторингининг 5-раундини ташкил этиш	<p>1. ИХТТ томонидан 5-босқич мониторинг доирасида Ҳукумат учун саволномага жавобларнинг тўлиқ киритилишини ташкил этиш.</p> <p>2. Мониторинг доирасида Ўзбекистонга экспертлар ташрифини ташкил этиш.</p> <p>3. Мониторинг ўтказиш билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2024 йил январь-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	ИХТТ Истанбул ҳаракатлар дастури 5-раунд мониторингини ўтказиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ижро этилишига хизмат қилади.	Масъул тармоқлар Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
25.	БМТнинг Қонун устуворлиги ва хавфсизлик институтлари бошқармаси билан коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.	БМТнинг Қонун устуворлиги ва хавфсизлик институтлари бошқармаси ва Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумини (ёки бошқа турдаги ҳамкорлик ҳужжатини) ишлаб чиқиш ва имзолаш бўйича чоралар кўриш.	2024 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Халқаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқиляётган ҳужжат лойиҳаларининг кўриб чиқилишида амалий ёрдам кўрсатилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
26.	Қатарнинг Қонун устуворлиги ва коррупцияга қарши курашиш маркази (ROLACC) билан коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш	1. Қонун устуворлиги ва коррупцияга қарши курашиш маркази билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида Марказнинг Доха ҳамда Женева шаҳарларидаги экспертлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилиш. 2. Ишчи гуруҳ режасини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.	2024 йил январь-май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Халқаро ҳамкорлик алоқалари кучайтирилади ҳамда илғор хорижий давлатлар тажрибалари Ўзбекистон амалиётига жорий этилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
27.	БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг Марказий Осиё бўйича Минтақавий платформасидан кенг фойдаланиш.	Минтақавий платформа иштирокчи давлатлари ўртасида Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Марказий Осиё бўйича Минтақавий платформаси фаолиятини самарали амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш	2024 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	БМТ Коррупцияга қарши конвенцияси талабларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига хизмат қилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
28.	Ёшлар ўртасида коррупцияга нисбатан мутлақо муросасизлик маданиятини	1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича барча олий таълим муассасаларида талабалар иштирокида тадбирларни ташкил этиш.	2024 йил март-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 й.	Ёшларда коррупцияга қарши муросабатни муносабатни шакллантиришга хизмат	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	шакллантириш, коррупциядан холи жамият йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг оммага етказиш борасида самарали тарғибот ишларини ташкил қилиш.	2. Республика олий таълим муассасаларида Аксилкоррупция коворкинг марказлари фаолиятини такомиллаштириш. 3. Юқоридаги масалалар бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш.		ПҚ-300-сон Қарори	қилади.	халқаро ҳамкорлик бошқармаси
29.	Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ННТлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича онлайн семинарлар ўтказиш.	1. ННТлар учун семинар-тренинглар ташкил этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш. 2. Режа-жадвал ижроси юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тақдим этиш.	2024 йил январь-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Коррупцияга қарши ННТлар фаоллигини оширишга хизмат қилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
30.	Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш.	Агентликнинг 2023 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжумани ўтказиш.	2024 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 й. ПФ-6247-сон Фармони	Агентлик фаолиятининг очиклиги бўйича талаблар бажарилади ҳамда жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги таъминланади.	Матбуот хизмати, Барча таркибий тармоқлар
31.	Агентлик ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш	1. Ходимларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш. 2. Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.	2024 йил январь-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Агентлик ходимларининг маданияти ва саводхонлиги оширилишига хизмат қилади.	Кадрлар тармоғи, Юрисконсулт